

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“ДАСТУРИЙ ИНЖИНИРИНГ”

йўналиши

“МОБИЛ ИЛОВАЛАР ЯРАТИШ”

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

ТОШКЕНТ - 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**“МОБИЛ ИЛОВАЛАР ЯРАТИШ” модули
бўйича**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ - 2017

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 201_ йил _____даги _____-сонли буйруғи
билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТАТУ, «Ахборот технологияларининг
дастурий таъминоти» кафедраси
ассистенти

Қўчқоров Т.А.

Такризчи: ТАТУ, АКТ бўйича маслаҳатчи проректори,
Жанубий Кореялик мутахассис

Ли Чул Су

Ўқув -услугий мажмуа Тошкент ахборот технологиялари
университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия
қилинган (201_ йил _____даги _____ - сонли баённома)

TO CURRICULUM FOR THE «SOFTWARE ENGINEERING» COURSE OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT AND RETRAINING ACADEMIC STAFF OF HIGHER EDUCATION

REVIEW

The training program of direction "Software Engineering" contains 8 blocks. A typical curriculum includes 5 modules on special direction that operating systems, system analysis, software engineering, mobile application development and web application development.

Actually, a typical curriculum includes legal framework and legal university standards, modern educational technology and high pedagogical skills, use of information and communication technologies in pedagogical process, a foreign language, the basics of system analysis and application of the decision, the scientific practical work on the basis of special directions, new methods of creating education and process, creativity and competence of the teacher.

The program includes the training of teachers of subjects in the field of education, training and skills development, quality and preparation of the general qualification requirements and training plans formed the basis of the teaching staff of higher education institutions in the sphere of modern education and innovative technologies, architecture of computer, basics of operating systems, process management and file systems, introduction to software engineering, methods of development and prediction software, models of the process of creating software, software testing, software quality the principles of developing mobile applications that to study of basic principles of user interface applications for mobile devices and new technology of web programming as building secure web applications.

The title and content of the curriculum of direction "Software Engineering" corresponds to the typical curriculum specialty and educational standards, qualification requirements to a specialist.

Vice rector of ICT, TUIT



Chul Soo LEE

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИДА “ДАСТУРИЙ
ИНЖИНИРИНГ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА Т.Ф.Н. К.Ф.КЕРИМОВ, КАТТА ИЛМИЙ
ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИ Т.А.КУЧКОРОВ, АССИСТЕНТ З.Б.ЮЛДАШЕВЛАР
ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ЎҚУВ ДАСТУРИГА

ТА Қ Р И З

Ушбу тақризланаётган ўқув дастур тармоқ марказида “Дастурий инжиниринг” йўналиши бўйича малака оширувчилар учун мўлжалланган бўлиб, мобулла бўйича назарий ва амалий билимлар кўрсатиб ўтилган.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик таракқиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастурда мутахассислар бўйича Операцион тизимлар, Дастурлашда тизимли таҳлил, Дастурий инжиниринг, Мобил иловалар яратиш, Веб иловалар яратиш каби модулла назарда тутилган бўлиб, ҳар бир модул бўйича асосий ва долзарб бўлган назарий ва амалий билимлар кўрсатилган. Жумладан, модулла бўйича операцион тизимлар (ОТ) вазифаси, функцияси, ҳисоблаш тизимлари таркибий қисмлари, ОТ ни синфларга ажратиш, ОТ архитектураси, ОТ қуриш асосий тамойиллари, ОТларда жараён ва ресурс тушунчаси, дастурий маҳсулотни баҳолашнинг асосий тамойиллари, дастурий маҳсулотни баҳолаш усуллари, дастурий маҳсулотларни сертификатлаш, дастурий маҳсулотни сотиш ва хизмат кўрсатиш, дастурий таъминотнинг асосий функциялари, тузилиши ва таркибий қисми, Web иловаларни ишлаб чиқиш асосий тушунчалари. HTML, XML, XHTML, WML. "клиент-сервер" технологияси. CSS (Cascading Style Sheets) асослари. JavaScript ифодалар, ўзгарувчилар, объектлар. PHP тилида дастурлаш асослари. MySQL маълумотлар базасида ишлаш, мобил иловалар яратиш учун дастурлаш муҳити. Андроид тизими учун Java дастурлаш тили. Андроид фойдаланувчи интерфейсини яратиш. Мобил иловаларда маълумотлар базаси. Мобил иловаларда тармоқли дастурлаш. Сервер билан ишлаш. JSON хизмати. Дастурий таъминот архитектураси. Талаблар ва уларни бошқариш. Дастурий таъминот ишлаб чиқиш усуллари. СММІ тушунчаси. СММІ бўйича жараёнларни етуклилик даражалари. Дастурий таъминот верификацияси ва валидацияси. Дастурий таъминотни тестлаш, маҳсулот нарҳини баҳолаш. Маҳсулот сифатини бошқариш. Дастурий маҳсулотни такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий билимлар назарда тутилган.

Яратилган дастур ўз камрови билан “Дастурий инжиниринг” йўналиши бўйича кўрсатилган модулла бўйича тингловчиларга тўлақонли билим бериш даражасида тузилган бўлиб, шу дастур миқёсида дарсларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Дастурий инжиниринг факультети декани,
т.ф.н. ассистент



Акбаралиев Б.Б.

МУНДАРИЖА

1

Ишчи Дастур

2

Модулни ўқитишда
фойдаланиладиган
интерфаол таълим
Методлари

3

Назарий
Материаллар

4

Амалий
Машғулот
Материаллари

5

Кейслар Банки

6

Мустақил
Таълим
Мавзулари

7

Глоссарий

8

Адабиётлар Рўйхати

I. БЎЛИМ

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастурда мобил қурилмалар учун операцион тизимлар, иловалар структураси, андроид тизими учун Java дастурлаш тили, андроид фойдаланувчи интерфейсини яратиш, иловаларда ҳодисалар ва жараёнлар, менюларни бошқариш, мобил иловаларда маълумотлар базаси билан ишлаш, GPS хизмати, тармоқли дастурлаш, илованинг сервер қисми билан ишлаш ва JSON хизматидан фойдаланиш муаммолари баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Мобил иловалар яратиш модулининг мақсад ва вазифалари:

- мобил қурилмалар учун операцион тизимлар, иловалар структураси, андроид тизими учун Java дастурлаш тили ва объектга йўналтирилган дастурлаш тамойилларидан фойдаланиш, андроид фойдаланувчи интерфейсини яратиш, иловаларда ҳодисалар ва жараёнлар билан ишлаш, менюларни бошқариш, мобил иловаларда маълумотлар базаси билан ишлаш, GPS хизмати, илованинг сервер қисми билан ишлаш ва JSON хизматидан фойдаланиш ва уларни амалиётга қўллаш малакавий кўникмаларини шакллантириш;

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Мобил иловалар яратиш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- мобил қурилмалар учун операцион тизимлар ва уларнинг таснифлари;
- андроид операцион тизими ва унинг архитектураси;
- Java дастурлаш тили ва объектга йўналтирилган дастурлаш тамойиллари ҳақида **билимларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- Андроид тизимида фойдаланувчи интерфейсини ярата олиш;
- иловаларда ҳодисалар ва жараёнлар билан ишлаш
- иловаларда маълумотлар базаси ва контент провайдерлардан фойдаланиш;
- JSON хизматидан фойдаланиш **кўникма ва малакаларини** эгаллаши зарур.

Тингловчи:

- андроид платформасида фойдаланувчи интерфейсини яратиш;
- сифатли ва қулай интерфейсга эга илова яратиш **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Мобил иловалар яратиш” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Мобил иловалар яратиш” модули мазмуни ўқув режадаги “Дастурий инжиниринг” ва “Операцион тизимлар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг мобилиловалар яратиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар мобил иловалар яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси			Мустақил таълим
			жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	
1.	Мобил қурилмаларда операцион тизим тушунчаси ва платформалари. Мобил қурилмалар учун операцион тизимлар.	4	4	2	2	
2.	Андроид (мобил қурилмалар учун мўлжалланган тизимлар) платформаси ва иловалар структураси.	6	6	2	4	
3.	Мобил иловалар яратиш учун дастурлаш муҳити. Андроид тизими учун Java дастурлаш тили. Андроид фойдаланувчи интерфейсини яратиш. Иловаларда ҳодисалар ва жараёнлар.	8	6	2	4	2
4.	Иловаларда тармоқли дастурлаш. Илованинг сервер қисми билан ишлаш. Мобил иловаларда МБ.	8	6	2	4	2
5.	Андроид иловаларида контент провайдерлар ва улардан фойдаланиш. Сервер билан ишлаш. JSON хизматидан фойдаланиш.	6	6	2	4	
	Жами:	32	28	10	18	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 - мавзу: Мобил қурилмаларда операцион тизим тушунчаси ва платформалари. Мобил қурилмалар учун операцион тизимлар.

Мобил қурилмаларда операцион тизим тушунчаси. Мобил қурилмаларнинг операцион тизимлар платформаси. Андроид операцион тизими ва унинг архитектураси. Андроид операцион тизими хизматлари. Андроид операцион тизими ривожланиши ва унинг бошқа операцион тизимлардан фарқи. Андроид тизимда иловалар яратиш учун керакли инструментал воситалар. Иловалар структураси. Иловаларнинг ташкил этувчилари ва уларнинг таснифи. AVD ни ўрнатиш.

2 - мавзу: Андроид (мобил қурилмалар учун мўлжалланган тизимлар) платформаси ва иловалар структураси.

Андроид тизими учун Java дастурлаш муҳити. Java дастурлаш тилининг асосий конструкциялари. Махсус синф ва функциялар. Объектга йўналтирилган дастурлаш асосий хусусиятлари (ворислик, инкапсуляция, полиморфизм). Абстракт синфлар.

3 - мавзу: Мобил иловалар яратиш учун дастурлаш муҳити. Андроид тизими учун Java дастурлаш тили. Андроид фойдаланувчи интерфейсини яратиш. Иловаларда ҳодисалар ва жараёнлар.

Андроид иловаларида ҳодисалар ва жараёнлар. Activity яшаш цикли, dialog ойналарда activity ларни ҳосил қилиш. Intent лар ва улардан фойдаланиш. Жараёнларни бир – бири билан боғлаш, Fragment лардан фойдаланиш. GUI компоненталари. Views ва ViewGroup лардан фойдаланиш. View лардан фойдаланиш. Рўйхатлар ва улардан фойдаланиш. Махсус fragment лардан фойдаланиш. Gallery, ImageSwitcher, GridView, ва ImageView компоненталаридан фойдаланиш. Расмларни жойлаштириш. Илова менюларини бошқариш. Қўшимча view лардан фойдаланиш. AnalogClock ва DigitalClock view. WebView компонентаси ва ундан фойдаланиш.

4 - мавзу: Иловаларда тармоқли дастурлаш. Илованинг сервер қисми билан ишлаш. Мобил иловаларда МБ.

SharedPreferences объекти орқали илова маълумотларини сақлаш. Файлларга маълумот ёзиш ва ўқиш (internal ва external сақловчилар. SQLite асослари. SQLite да маълумотлар базасини яратиш. Paketлараро маълумот алмашиш. Content provider лардан фойдаланиш. Content provider яратиш. Google map лойиҳа яратиш. Map API калитини ўрнатиш. Map ни иловада ҳосил қилиш. Марказларда ZOOM бошқаруви ва маркерлар қўшиш. Жойлашув ўрнини аниқлаш ва у ҳақида маълумот олиш.

5 - мавзу: Андроид иловаларида контент провайдерлар ва улардан фойдаланиш. Сервер билан ишлаш. JSON хизматидан фойдаланиш.

Мобил иловаларда тармоқли дастурлаш, тармоққа уланиш ва уни текшириш. HTTP орқали серверга уланиш. Қурилманинг IP манзилни бошқариш. Сервердаги маълумотларни юклаб олиш, JSON хизматидан фойдаланиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Мобил қурилмаларда операцион тизим тушунчаси ва платформалари. Мобил қурилмалар учун операцион тизимлар.

Мобил қурилмалар учун иловалар яратишда фойдаланадиган дастурий воситалар муҳитини ўрнатиш ва созлаш. Иловаларни яратиш ва дастлабки мослаш. Android операцион тизими учун иловалар яратишда керакли бўлган инструментал дастурий воситаларни ўрнатиш ва дастлабки мобил иловаларни (Android тизими учун) яратиш

2-амалий машғулот:

Андроид (мобил қурилмалар учун мўлжалланган тизимлар) платформаси ва иловалар структураси.

Иловаларни яратиш учун дастурлаш тилларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш. Java дастурлаш тили асосий конструкцияларидан фойдаланиш бўйича асосий кўникмаларни такрорлаш. Синфлар ва объектлардан фойдаланиш. Объектга йўналтирилган дастурлаш асосий принциплари (ворислик, инкапсуляция, полиморфизм, абстракт ва аноним синфлар ва бошқалар) дан фойдаланиш

3-амалий машғулот:

Мобил иловалар яратиш учун дастурлаш муҳити. Андроид тизими учун Java дастурлаш тили. Андроид фойдаланувчи интерфейсини яратиш. Иловаларда ҳодисалар ва жараёнлар.

Java тилида синфлараро ворислик ваобъектга йўналтирилган дастурлаш асосий принципларидан бири бўлган полиморфизмдан фойдаланиш. Супер синф ва ворис синф орасида муносабатлар. Методларни қайта ёзиш ва методларни қайта юклаш хусусиятларидан фойдаланиш.

4-амалий машғулот:

Мобил иловалар яратиш учун дастурлаш муҳити. Андроид тизими учун Java дастурлаш тили. Андроид фойдаланувчи интерфейсини яратиш. Иловаларда ҳодисалар ва жараёнлар.

Андроид иловаларини яратишда activity лардан фойдаланиш. Асосий Java (activity) файллар ва layout (xml) лар структураси ва уларни ўзгартириш кўникмаларига эга бўлиш, бир ва бир нечта activity ва layout ларни бир – бирига боғлаш. Мобил қурилмага мос фойдаланувчи интерфейсини яратиш.

5 – амалий машғулот:

Иловаларда тармоқли дастурлаш. Илованинг сервер қисми билан ишлаш. Мобил иловаларда МБ.

Android тизимида фойдаланувчи интерфейсини яратиш. Gallery, ImageView ва ImageSwitcher компоненталаридан фойдаланиб расмларни намойиш қиладиган илова яратиш. Объектлар учун анимациядан фойдаланиш ва уларни ҳаракатлантириш.

6 – амалий машғулот:

Иловаларда тармоқли дастурлаш. Илованинг сервер қисми билан ишлаш. Мобил иловаларда МБ.

Андроид тизимида фойдаланувчи интерфейсини яратишда маълумотлар базасидан фойдаланиш, лойихага мос маълумотлар базаси, жадваллар ва сўровлар яратиш. Илова маълумотларини XML файлга сақлашда SharedPreferences объектидан фойдаланиш, файлларга маълумот ёзиш ва ўқиш, SQLite маълумотлар базасини бошқариш тизимидан фойдаланиш

7 – амалий машғулот:**Андроид иловаларида контент провайдерлар ва улардан фойдаланиш. Сервер билан ишлаш. JSON хизматидан фойдаланиш.**

Андроид тизимида Google map хизматидан фойдаланиш ва фойдаланувчи жойлашган ўрнини аниқлаш. Google map хизматидан фойдаланишда керакли синфлардан фойдаланиш. Илова учун Google map калитини генерация қилиш.

8 – амалий машғулот:**Андроид иловаларида контент провайдерлар ва улардан фойдаланиш. Сервер билан ишлаш. JSON хизматидан фойдаланиш.**

Андроид тизимида фойдаланувчи интерфейсини яратиш ва иловага мос маълумотларни сервердан ўқиб олиш, JSON хизматидан фойдаланиш

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

II. БЎЛИМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Мобил қурилмалар учун Андроид операцион тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Мобил қурилмалар учун Андроид операцион тизимдан фойдаланишнинг кучли томонлари	Open source (очик кодли), фойдаланувчилар сонининг кўплиги...
W	Мобил қурилмалар учун Андроид операцион тизимдан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Операцион тизимнинг виртуал машина орқали ишлаши...
O	Мобил қурилмалар учун Андроид операцион тизимдан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Beautiful UI (чиройли интерфейс), Connectivity (барча мобил алоқа технологиялари ва Интернет билан боғланиш)...
T	Тўсиқлар (ташқи)	Маълумотлар хавфсизлигининг тўлақонли таъминланмаганлиги...

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилди ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танкидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

Мобил операцион тизимлар					
Android		iOS		Windows Phone	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«**Кейс-стади**» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерде (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллариини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллариини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Мобил қурилма учун Андроид опреацион тизимининг 5.0 (API Level: 21) версияси учун илова ишлаб чиқилди. Сизнинг телефонингиздаги Андроид опреацион тизимининг версияси 4.3 (API Level: 18). Мобил иловани телефонингизга ўрнатиб ишга туширмоқчи

бўлганингизда хатолик келиб чиқди. Яъни илова ишламади.

Кейси бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф

- фикрингизни баён этинг

С

- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

М

- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

У

- фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Полимарфизим объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий тамойилларидан биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

- 1.Java тилида ворис олиш учун қандай калит сўздан фойдаланилади?
- A. extends
- B. inheritance
- C. super



Қиёсий таҳлил

- Мобил операцион тизимлардан фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- API қисқармасини изоҳланг...



Амалий кўникма

- Андроит тизимида илова яратиш учун керакли инструментал дастурий воситаларни ўрнатинг?

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Activity	илованинг бирорта ойнасини (интерфейс) бошқарувчи Java кенгайтмали файл	
adb (Android Debug Bridge)	SDK орқали иловани ишга тушурувчи дастур	
SDK (Software Development Kit)	андرويد учун кутубхона	
JDK (Java Development Kit)	Java дастурлаш тили учун кутубхона	
Layout Resource	илова ойналарининг кўринишини сақловчи XML файл	
Manifest File	илова учун керакли барча маълумотларни XML файл (мисол учун: илова номи, интент филтрлар, интернетга боғланиш)	
Service	илова орти хизматлар яратиш учун синф	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.


Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Мобил илова маълумотларини сақлаш турлари бўйича



“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради. **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига

белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.
3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.
4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.
5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.
6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.
7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Дастурий воситаларни ўрнатиш ва созлаш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Андроид виртуал машинасини созлаш (AVD)					
Eclipse IDE ни ўрнатиш					
Керакли SDK версиясини юклаб олиш					
Андроид SDK Manager дастурини ўрнатиш					
Java учун кутубхона ўрнатиш (JDK)					
Eclipse учун ADT (Android development tools) plugin ни ўрнатиш					

Ш. БЎЛИМ

НАЗАРИЙ
МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Мобил қурилмаларда операцион тизим тушунчаси ва платформалари. Мобил қурилмалар учун операцион тизимлар.

Режа:

1. Мобил қурилмаларда операцион тизим тушунчаси ва платформалари.
2. Андроид операцион тизими ва унинг архитектураси.
3. Андроид операцион тизими ривожланиши ва унинг бошқа операцион тизимлардан фарқи.
4. Андроид тизими учун керакли инструментал воситалар ва уларни ўрнатиш. Виртуал қурилмадан фойдаланиш.

Таянч иборалар: *Android, Cellular, infrared blaster, GPS (Global Positioning Satellite) mobile navigation, PDA (Personal digital assistant), JDK (Java Development Kit), SDK (Software Development Kit), AVD (Android Virtual Device), ADT (Android Development Tools) plugin*

1.1. Мобил қурилмаларда операцион тизим тушунчаси

Мобил операцион тизимлар – бу мобил қурилмалар (смартфонлар, таблетлар, PDA ва бошқа мобил қурилмалар) ни бошқариш учун мўлжалланган тизимлар ҳисобланади. Мобил операцион тизимлар иккита асосий платформа яъни “user-facing” дастурий таъминот платформаси ва қурилмаларни бошқариш учун мўлжалланган қуйи сатҳдаги реал-вақт операцион тизидан иборат бўлади. Мобил операцион тизимлар асосан 1979 йилда пайдо бўлган ва бунда жараёнларни бошқариш учун (тақсимланган тизим) http://en.wikipedia.org/wiki/Embedded_system тизимлардан фойдаланилган. Қуйидаги жадвалда (1-жадвал) мобил операцион тизимларининг ривожланиш босқичларини кўришимиз мумкин.

1-жадвал. Мобил ОТ ларнинг ривожланиш босқичлари

Яратилган йили	Қурилма ва ОТ номи	Таснифи
1979–1992	Мобил қурилмалар	Жараёнларни бошқариш учун <u>embedded systems</u> тизимлардан фойдаланилган
1993	Биринчи смартфонлар	Touchscreen, e-mail ва PDA хусусиятлари мавжуд
1996-2002	Palm OS, Windows CE, Nokia S40	Touchscreen, e-mail, интернет хизматлари ва PDA хусусиятлари мавжуд
2002	BlackBerry смартфонлари	Хавфсизлик протоколлари,


Яратилган йили	Қурилма ва ОТ номи	Таснифи
2005	Нокиа, биринчи интернет таблет, Маемо OS	e-mail, интернет хизматлари
2007	Apple iPhone, iOS	"mobile phone" ва "internet communicator"
2007-2008	Android, ОНА	Биринчи андроид смартфонлари
2010	Windows Phone OS	Биринчи windows смартфонлари
2011	MeeGo биринчи Linux мобил тизими	<u>Nokia</u> , <u>Intel</u> ва <u>Linux Foundation</u> асосида Nokia N9 да синалган

Ҳар бир операцион тизим платформаси учун дастурлаш тиллари ва дастурий восита ишлаб чиқиш муҳитлари мавжуд бўлиб, мобил қурилмаларга дастурий воситалар яратиш учун платформалар қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал. Платформалар учун дастурлаш тиллари

Платформа номи	Дастурлаш тили
Android	Java, қисман C/C++
BlackBerry	Java
iOS SDK	Objective – C, Objective Pascal
Java ME	Java
Windows Phone (WP)	Visual C++, Visual C#, Visual Basic
Marmalade	C/C++
Python	Python
Firefox OS	HTML5, CSS, JavaScript

Мобил қурилмалар учун ОТ ларнинг қўлланилиш кўрсаткичлари



1.1-расм. Мобил қурилмалар учун ОТ ларнинг қўлланилиш кўрсаткичлари
Замонавий мобил қурилмалар учун операцион тизимларнинг **асосий**

функциялари

- Touchscreen
- Cellular
- Bluetooth
- Wi-Fi
- GPS mobile navigation
- camera, video camera
- speech recognition, voice recorder
- music player
- near field communication (NFC)
- infrared blaster (IR blaster).

1.2. Андроид операцион тизими ва унинг архитектураси

Android – бу мобил қурилмалар учун мўлжалланган турли хил иловалар ва хизматларни ўз ичига олган операцион тизим. **Android** архитектураси Java асосида қурилган бўлиб, андроид тизим учун барча илова ва дастурлар Java дастурлаш тили ёрдамида яратилади¹.



1.2-расм. Андроид ОТ архитектураси

¹ “Beginning Android 4 Application Development”, chapter-1, Getting Started with Android Programming. Architecture of Android, pages 32-33.


Linux kernel – бу Android тизимининг ядроси ҳисобланади ва **115 patch** дан иборат. Бу асосан тизим функционалини яъни, процесслар бошқаруви, хотирани бошқариш, курилмаларни (дисплей, камера, клавиатура ва ҳ.к. лар) бошқариш учун хизмат қилади. Бундан ташқари тармоқ компоненталарини, курилмалар драйверларини бошқаради.

Libraries – Иловаларни бошқариш учун зарур бўлган кутубхоналардан иборат. Бунга **Web browser engine WebKit**, маълумотларни сақлаш ва иловалараро маълумотларни алмашиш учун **SQLite database** кутубхонаси, **audio ва video** маълумотларни бошқариш учун **Media Framework**, интернет хавфсизлиги учун **SSL** кутубхонаси, графикани бошқариш учун **OpenGL**, touchscreen хизмати учун **Surface Manager** ва ҳ.к. лар. **Android Runtime** – **Dalvik Virtual Machine** компонентини бошқариш учун ишлатиладиган кутубхона ҳисобланади. Бунда ҳар бир илованинг ўз процессида ишлаши таъминланади. Ўз навбатида бу кутубхоналар иловалар яратишда Java дастурлаш тилини ишлатиш учун ҳам ёрдамберади.

Application Framework – юқори сатҳдаги Java синф ва пакетлар жамланмасидир. Бунда тайёр хизматлардан фойдаланиш мумкин (**Broadcast Receivers, Content Providers, Camera Control** ва ҳ.к. лар)

Applications – бу фойдаланувчи учун мўлжалланган иловалар сатҳи ҳисобланади (**Contacts Books, Browser, Games**)².

Андроид иловаларида фойдаланувчи интерфейсини яратишда MVC (**Model View Controller**) технологиясидан фойдаланилади. Бунда модел илова учун керакли маълумотларни маълумотлар базаси ёки бошқа манбадан олиб беради ва контроллер орқали илова маълумотлари фойдаланувчи интерфейсига юборилади.



1.3-расм. Android GUI архитектураси

² “Beginning Android 4 Application Development”, chapter-1, Getting Started with Android Programming. Architecture of Android, pages 32-33.

1.3. Андроид операцион тизими ривожланиши ва унинг бошқа операцион тизимлардан фарқи

3-жадвал. *Android ва iOS OT лар фарқи*

Хусусияти	Android	iOS
Company/Developer	Google	Apple Inc.
OS family	Linux	OS X, UNIX
Initial release	September 23, 2008	July 29, 2007
Programmed in	C, C++, java	C, C++, Objective-C
Source model	Open source	Closed, with open source components.
Internet browsing	Google Chrome (or Android Browser on older versions; other browsers are available)	Mobile Safari (Other browsers are available)
Interface	Touch screen, Smartwatch	Touch screen
Messaging	Google Hangouts	iMessage
Maps	Google Maps	Apple Maps
App store	Google Play – 1,000,000+ Apps.	Apple app store – 1,000,000+ Apps
Market share	81% of smartphones	12.9% of smartphones
Available language(s)	32 Languages	34 Languages
Latest stable release	Android 6.0 Marshmallow (October 5, 2015)	9.3.1 (March 31, 2016)

Ҳозирги кунда Android қурилмаларнинг жаҳон бозоридаги турлари

- Smartphones
- Tablets
- E-reader devices
- Netbooks
- MP4 players
- Internet TVs

1.4. Андроид тизими учун керакли инструментал воситалар ва уларни ўрнатиш. Виртуал қурилмадан фойдаланиш

Андроид тизимда иловалар яратиш учун керакли инструментал воситалар қуйидагилардир:

- Java JDK5 ёки JDK6
- Android SDK

- Eclipse IDE for Java Developers (optional)
- Android Development Tools (ADT) Eclipse Plugin (optional)
- Android Virtual Device (AVD)
- Android Developers Tools (ADT) (Android SDK ва ADT Plugin билан биргаликда)

Андроид тизимда иловалар яратиш учун керакли инструментал воситаларни ўрнатиш қуйидаги қадамлар орқали амалга оширилади³:

1-қадам: Java development kit (JDK) ни ўрнатиш (<http://www.oracle.com/technetwork/java/javase/downloads/index.html>)

2- қадам: Android SDK (Software Development Kit) ни ўрнатиш (<http://developer.android.com/sdk/index.html>)

3- қадам: Eclipse IDE ни ўрнатиш (<http://www.eclipse.org/downloads/>)


4- қадам: Android development tools (ADT) eclipse учун plugin ни ўрнатиш (<https://dl-ssl.google.com/android/eclipse/>)

5- қадам: Android virtual машинаси (AVD) ни ўрнатиш

Android SDK ўз ичига қуйидагиларни олади

- Debugger
- Libraries
- an emulator
- Documentation
- sample code
- tutorials.


<http://developer.android.com/sdk/index.html> дан Android SDK юклав олинади ва дастур ўрнатилгандан кейин *Android SDK Manager* ишга туширилади. Бунинг учун қуйидаги кетма-кетликни амалга ошириш лозим: **All Programs > Android SDK Tools > SDK Manager**



1.4-расм. Android SDKни юклав олиш ойнаси


³ “Beginning Android 4 Application Development”, chapter-1, Getting Started with Android Programming. Obtaining the required tools, pages 38-47.

Агар жорий компьютерда Java (JDK) ўрнатилмаган бўлса, у ҳолда Android SDK Manager ишга туширилганда қуйидагича хатолик чиқади. (1.5-расм)




1.5-расм. Android SDK Manager ишга тушуришдаги хатолик

Агар компьютерда Java (JDK) ўрнатилган бўлса, у ҳолда Android SDK Manager мувоффақиятли ишга тушади ва қуйидагича Android SDK Manager ни созлаш ойнаси пайдо бўлади (1.6-расм).




1.6-расм. Android SDK Manager ни созлаш ойнаси



Ҳар бир API level учун асосан иккита платформа мавжуд. *SDK Platform, Google APIs by Google Inc.* (*Google maps* учун мўлжалланган иловалар яратишда фойдаланилади)

Иловани яратиш учун керакли кутубхоналар ўрнатилгандан кейин илова кодини ёзиш ва уни ишга тушириб кўриш учун инструментал дастурий воситалар керак бўлади. Ушбу дастурдан биттаси Eclipse бўлиб, андроид иловалар яратишда қулай интерфейси билан ажралиб туради. Бундан ташқари Netbeans, IntelliJ IDEA, Android Studio каби дастурлар мавжуд бўлиб, булар ҳам иловалар ишлаб чиқишда самарали фойдаланилади. Берилган ссилка (<http://www.eclipse.org/downloads/>) орқали биз Eclipse дастурининг керакли версиясини юклаб олишимиз мумкин. Юклаб олинган дастурни архивдан чиқариб олиб ишга тушираемиз.


Мисол учун (C:\eclipse\eclipse.exe):



1.7-расм. Eclipse дастури дастлабки ишчи ойнаси

Android Development Tools (ADT) Plugin ни ўрнатиш


- Eclipse учун Android Development Tool plugin ни созлаш қуйидагича
- Eclipse ишга туширилади
- **Help > Software Updates > Install New Software.**
- *Name: ADT Plugin*
- *Location: <https://dl-ssl.google.com/android/eclipse/>*
- *Press OK ->Next->Finish*



1.8-расм. ADT Plugin ни ўрнатиш

Android дастлабки илова яратиш. “hello world” мисолида. Android тизимида илова яратиш жараёнида тўғридан – тўғри ADT дан фойдаланиш қулайлик яратади. Яъни ушбу восита android муҳитида илова яратиш учун керакли бўлган барча инструментал дастурий воситаларни ўз ичига олади. Албатта AVD (Android virtual device) алоҳида ўрнатилади.

- “<http://developer.android.com/sdk/index.html?hl=sk#download>” link орқали **ADT bundle** ни юклаб оламиз.
- Юклаб олинган архив файлини архивдан чиқарамиз




adt-bundle-windows-x86_64 папкаси асосан қуйидагилардан иборат

- *eclipse*
- *sdk*


Асосий дастур ишчи ойнасини ишга тушириш учун *eclipse* папкасидан *eclipse.exe* файлини ишга туширамыз.

Имя	Тип	Размер	Дата
[..]		<Папка>	22.04.2014 21:52
[configuration]		<Папка>	22.04.2014 21:52
[dropins]		<Папка>	24.10.2013 13:22
[features]		<Папка>	24.10.2013 13:22
[p2]		<Папка>	24.10.2013 13:21
[plugins]		<Папка>	24.10.2013 13:22
[readme]		<Папка>	24.10.2013 13:22
.eclipseproduct		60	04.02.2013 04:25
artifacts	xml	81 195	24.10.2013 13:22
eclipse	exe	312 320	04.02.2013 05:05
eclipse.ini	ini	484	24.10.2013 13:24
eclipsesec	exe	17 920	04.02.2013 05:05
epl-v10	html	16 536	04.02.2013 04:28
notice	html	9 051	04.02.2013 04:28






1.9-расм. Eclipse (ADT) дастурини ишга тушуриш жараёни

ADT нинг дастлабки ойнаси. Ушбу ойнадан “New Android Application” тугмаси босилади ва кейинга расмларда кўрсатилганидек кетма-кет амаллар бажарилади.




1.10-расм. ADTнинг дастлабки экран





1.10-а) б) в) – расм. Янги лойиҳа яратиш ойнаси




Лойиҳанинг
ташқил этувчи
файллари (package
explorer)

Файл кодлар
қисми


Лойиҳа
хусусиятлари

Лойиҳа
юкланишидаги
emulator ва
хатоликлар ҳолати

1.10-д) г) – расм. Янги лойиҳа яратиш ойнаси




1.11-расм. Яратилган илованинг мавжуд папка ва файллар таснифи




1.12-расм. Илованинг дизайн кўриниши (activity_main.xml)


Виртуал қурилмадан фойдаланиш. AVD ни яратиш

Бунинг учун қуйидаги расмда кўрсатилган “*Android Virtual Device Manager*” тугмасини босамиз







1.13-расм. “Android Virtual Device Manager” ойнаси



1.13а-расм. “Android Virtual Device Manager” ойнаси



1.14-расм. Виртуал қурилмани (AVD) ишга тушириш жараёни



1.15-расм. Виртуал қурилмани (AVD) ойнаси

Android да тезкор emulator. Genymotion virtual машинасидадан фойдаланиш. Android да кўпчилик фойдаланувчиларимиз компиляцияни AVD (Android Virtual Device) emulator орқали амалга оширади ва бунда

натижа чиқишини кутиш керак бўлади. Ушбу камчиликни сезиларли даражада бартараф этиш учун **Genymotion virtual** машинасидан фойдаланишимиз мумкин.

Назорат саволлари

1. Мобил операцион тизим нима?
2. Мобил операцион тизимлар нечта платформадан иборат ва уларнинг номларини айтинг?
3. Мобил қурилмалар учун мўлжалланган қандай платформалар (ОТ) мавжуд (камида 8 тасини сананг)?
4. Замонавий мобил қурилмалар учун мўлжалланган операцион тизимларнинг асосий функциялари (10 тасини сананг)?
5. Андроид нима?
6. Андроид қачон ишлаб чиқарилган ва унинг охириги версияси қайси?
7. Андроиднинг Jelly Bean номли тури қайси қайси версиялар ва API level ни ўз ичига олади?
8. Андроид архитектураси қандай бўлимлар асосида тушунтирилади?
9. Андроид архитектурасига биноан “Linux Kernel” сатҳи қандай вазифаларни бажаради?
10. Андроид архитектурасига биноан “Libraries” сатҳи қандай вазифаларни бажаради?
11. Андроид архитектурасига биноан “Android runtime” сатҳи қандай вазифаларни бажаради?
12. Андроид архитектурасига биноан “Application Framework” сатҳи қандай вазифаларни бажаради?
13. Андроид операцион тизимининг асосий хусусиятлари қайсилар (камида 8 тасини сананг)?
14. Андроидда фойдаланувчи график интерфейсини яратиш қайси технология (концепция) асосида амалага оширилади?
15. Андроид ва iOS нинг фарқлари (камида 8 тасини сананг)?
16. JDK нима ва у қандай вазифани бажаради?
17. SDK нима ва у қандай вазифани бажаради?
18. ADT да янги Андроид лойиҳа яратилди. Ушбу яратилган лойиҳа ичида автоматик ҳосил бўлган AndroidManifest.xml файлини изоҳланг?
